

Qishloq HAYOTI


O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqqa boshlagan

№ 145 (7.138). Sotuvda erkin narxda

Бугунги сонда:

Дунё саҳнасида



(2-бетда)

Аараминги олай, она Табиат!

(3-бетда)

Осиё ўйинлари кундалигидан



(4-бетда)

Куннинг муҳим воқеалари

- **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси ўз иштини якунлади.**
- **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарорига биноан, Бўритош Мустафоев Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси этиб сайланди.**
- **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарорига биноан, Тўрабек Турсунбекович Раҳмонов Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси этиб сайланди.**
- **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарорига биноан, Уктам Холмиров ахун Холиқов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан озод қилинди.**
- **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарорига кўра, Исан Муртазович Мустафоев Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Қиролигидаги Фавкулдада ва Мухтор Элчиши этиб тайинланди.**
- **Ўзбекистон Театр арбоблари жамоат фонди қатор жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасида бўлаверган учун ташкил этган маърифий кеча Хомийлар ва шифокорлар йилига бағишланди.**
- **“Хомийлар ва шифокорлар йили” дастурига мувофиқ ташкил этилган навбатдаги саломатлик поёзди Оролбўйига етиб келди.**
- **Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Марказий музейида Конституциянинг 14 йиллиги олдидан янги бадий кўргазма очилди.**
- **Термиз шаҳрида озик-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотларининг улгуржи савдо-ярмаркаси якунланди.**
- **Жойларда 2007 йил ҳосили учун уруғлик чигирни тозалаш, туқсанлигини саралаш, қишлоқ хўжалик зараркундалари ҳамда касалликларга қарши дориларга бағишланган ҳудудий кўргазмали семинар-кенгашлар бошланди.**
- **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қоровул кўшинларида «Йилнинг энг илгор мутахассиси» анъанавий танловига қўшилди.**
- **Москва шаҳрида ўтган Николо Паганини номидаги IV халқаро скрипкачилар кўрик-танловига Ёш ўзбек созандаси Нодир Хوشимов иккинчи ўринни эгаллади.**

2006 йил — Хомийлар ва шифокорлар йили



2005 йилдан буён фаолият юритиб келаётган Жиззах диагностика марказида 15 нафар олий тоифали врач ва 10 дан зиёд тажрибали ҳамширалар аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатишмоқда. Марказда 15 турдаги касалликлар бўйича аниқ ташхислар қўйиш учун замонавий ускуналар, лаборатория ишлаб турибди.

СУРАТЛАРДА: 1. Марказнинг умумий кўриниши. 2. Гинекология ҳамшираси Қаноат Муталова.

Б.АКРАМОВ олган суратлар.



Ҳиндистонлик санъаткорлар миннатдорлиги

Мамлакатимизда давом этаётган “Раж Капурни хотирлаб” Ўзбекистон-Ҳиндистон дўстлик кечаси иштирокчилари пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонидagi Мустақиллик ва Зғулик монументи пойига гулчамбарлар қўйдилар.

“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ҳиндистоннинг юртимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ўтказилган дўстлик кечалари ижодий учрашувлар, концертлар, жонли мулоқотларга бой бўлмоқда. Уларда Ҳиндистонлик меҳмонлар – Раж Капурнинг фарзандлари, кино-ижодкорлар, созандаю хонандалар билан бирга ўзбек санъаткорлари ҳам иштирок этмоқда. Чунинчи, бундай тадбирлар Тошкент, Наманган ва Самарқанд шаҳарларида кўтаринки руҳда ўтди.

Ўзбекистонга бундан ўн тўрт йил аввал ҳам келган эдим, - деди Раж Капурнинг ўғли, кино актёри Ранджир Капур. Ўтган вақт мобайнида мамлакатимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўлдим. Тошкент таниб бўлмас даражада ўзгариб, янада гўзаллашибди. Мазкур сафаримиз асосида ўзбекларнинг самимий, меҳмондўст, бағрикенг халқ эканини яна бир қарра ҳис этдик. Жаннатмонанд Ўзбекистонга, меҳридор ўзбекистонликларга ихлосимиз янада орди. Раж Капур оиласига Ўзбекистонда кўрсатилган чўқур эҳтиром учун Президент Ислом Каримов, халқингиз, санъат илҳомчиларидан беҳад миннатдоримиз.

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Кино саройида Ҳиндистонлик кино режиссёр Каран Жоҳарнинг «Ҳеч қачон алвидо деманг» бадий фильми премьераси бўлди. Унда Ҳинд киномаатографиясини атоқли артист ва режиссёр Раж Капур ижодидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмаслиги таъкидланди.

Меҳмонлар Ҳиндистонлик атоқли давлат арбоби Лаъл Баҳодир Шастрининг пойтахтимиздаги ёдгорлиги пойига ҳам гулчамбар қўйдилар.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

Ўзбекистон — диний бағрикенглик ватани

Ана шундай фикр АҚШ Давлат департаменти томонидан эълон қилинган «диний эркинликнинг таъминлаш борасида жиддий ташвиш уйғотаётган давлатлар» деб аталмиш рўйхатга Ўзбекистоннинг киритилиши муносабати билан дунёнинг турли бурчакларида яшайдиган юртимизнинг дўстлари ва шеркларини билдираётган мулоҳазалар марказидан жой олган.

Корея ислом федерацияси раиси Сон Джу Хонг мазкур ҳужжатни қўйидагича шарҳлади:

«Биз неча-неча асрлардан бери қўллаб-қувватлаш ва дин вакиллари Ўзбекистон заминида ўзаро тинч ва аҳилликда яшаб келаётганини биламиз. Мамлакатимизда, қайси миллат ва дин вакили бўлишидан қатъи назар, барча фуқаролар учун бирдек ҳақ-ҳуқуқларнинг таъминлиниши давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Диний эътиқод эркинлиги таъминланиши юзасидан мамлакатда аниқ-равшан ютуқлар мавжуд эканига қарамай, Ўзбекистоннинг «диний эркинликнинг таъминлаш борасида жиддий ташвиш уйғотаётган давлатлар» деб аталмиш рўйхатга киритилиши, ростки, мени ажаблантирди.

Ишончим комилки, мамлакат раҳбариятининг ички сиёсати нафақат мамлакатда диний бағрикенгликни, балки бутун Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга бундан кейин ҳам қўмақлашаваради.

Президент Ислом Каримов олий ўқув юртимизнинг фахрий доктори ҳисобланади ва биз республика раҳбариятининг дин соҳасидаги сиёсати турли миллат, дин ва конфессиялар вакиллари учун том маънодаги эътиқод эркинлигини таъминлаб берганини ҳамisha катта қониқиш билан қайд этиб келганмиз, - деди Соған университетини президенти Сонг Ёнг Ду. - Шунинг учун «Вашингтоннинг алоҳида рўйхати» деб аталмиш ҳужжатга Ўзбекистоннинг киритилиши муносабати билан мен мамлакат Ташқи ишлар вазирлигининг баёнотини тўла қўллаб-қувватлашни истар эдим. Ишончим комилки, нима бўлишидан қатъи назар, Ўзбекистон халқи қучли бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат қурилишининг мустақил йўлини давом эттираверади.

Афғонистон парламенти қуйи палатаси котибиятининг муdiri Мухаммад Осифнинг фикр билдиришича, Ўзбекистонда эътиқод қишлоқларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари тўласинча таъмин этилган.

Ўзбекистонга борганимиз чоғида қўллаб-қувватлашни ҳамда

бошқа конфессияларнинг диний муассасаларини кўрдик, - деб таъкидлади у. - Шу боис, Америка маъмуриятининг бундай қадами тухмат ҳамда ҳақиқатни бузиб қўрсатишдан бошқа нарса эмас.

Япония миллий санъат уюшмаси президенти Масатоши Нодзакининг сузларига қараганда, у Ўзбекистонда, исломнинг таниқли диний арбоблари ва мутафаккирлари ватанида тўласинча динлараро ва миллатлараро тотувлик мавжудлигига шаксан шожид бўлган.

Турли диний конфессияларнинг тинч-тотувлиги омилли ҳамда ўзбек халқининг толерантлиги қўл сонли муассасалар масжидлари билан бирга насронийлар черковлари, яҳудийлар синагогалари ва дунёдаги бошқа динларга эътиқод қилувчиларга тегишли муассасалар мисолида ҳам яққол кўринади, - деди япон олимми. - Ўзбекистон бу борада дунёнинг кўпгина мамлакатлари учун намуна бўла олади.

Мамлакатимизнинг АҚШ давлат департаменти рўйхатига киритилиши муносабати билан Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг баёноти Кассель шаҳар университети

ту ҳузуридаги Жаҳон муаммолари тадқиқотлари марказининг веб-саҳифасида ҳам ўз аксини топди.

Марказ ўзининг «Эътиқод эркинлиги ва толерантлик Ўзбекистон давлат сиёсатининг таркибий қисми бўлиб қолверади» сарлавҳали хабарида мамлакатимизнинг АҚШ ташқи сиёсат мақамаси рўйхатига киритилиши ҳамда Вашингтон ва қатор Фарб давлатларининг БМТ БШ ассамблеяси учинчи қўмитаси доирасида Ўзбекистонга нисбатан резолюция ташаббусига бўлган уриниш ўртасидаги боғлиқликка эътибор қаратади. Мазкур ташаббус барод бўлгани, чунки у БМТга аъзо давлатларнинг қўмитали томонидан қўллаб-қувватланмагани қайд этилади.

Ўз навбатида марказ раҳбари Петер Штрутински АҚШ ва ЕИ томонидан амалга оширилаётган «санкция сиёсати» адолатсиз ва беасамара эканини танқид остига олган.

Бу халқаро муносабатларда инсон ҳуқуқи масалаларининг сиёсий ҳақ-ҳуқуқларнинг таъминланиши соҳасига ҳам тегишли, - деб таъкид-

лади немис мутахассиси. - Шу ўринда фарб ҳуқуқматлари ўз мамлакатларида инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ вазиятнинг ёмонлашиб бораётганига эътибор қаратишмайди.

Америкаликлар мамлакатимизни мазкур рўйхатга киритгани тўғрисидаги хабар менда ҳайрат ва ўқин ҳисларини уйғотди, - дейди мисрлик олим, ислом санъати ва археология тарихи бўйича мутахассис, профессор Кавсар Абдул Футх. - Тошкентнинг ўзи танла тарихий ўйилдан ишонч билан бораётганини жуда яхши билгани ва тушулгани ҳолда Вашингтон бу қадами оғли равишда ташлади. Шу билан бирга, мен АҚШнинг бу қадами миллитлараро ва динлараро тинчлик сақланиши борасида Ўзбекистон эришган муваффақиятларининг билвосита тасдиғи, деб биламан. Бу, албатта, кимларгадир ёқмайди ва, шунинг учун, улар қандай қилиб бўлса ҳам ўз нуктаи назарларини бошқаларга сингдирмоқчи бўлишди.

Марбург университети (ГФР) профессори М.Бараки мамлакатимизнинг АҚШ Давлат департаменти рўйхатига киритилиши сиёсий

қадам ҳамда «икки ёқламачилик» тамоилининг очикдан-очик намойиши эканлигига эътибор қаратди.

Мен турли дин ва миллат вакиллари ўзаро тинч-тотувликда яшаётган, лўнда қилиб айтганда, бағрикенгликнинг ватани бўлиши Ўзбекистонни жуда яхши биламан, - дейди немис олимми. - АҚШ ташқи сиёсат мақамасининг хулосалари олдиндан ўйлаб қўйилган қадамдир. Америкаликлар ўзларининг геосиёсий стратегиясини амалга ошириш учун сиёсий босим воситаси сифатида диний оимилдан фойдаланмоқчи бўлишди.

Бу ерда гап навбатдаги «икки ёқлама стандартлар»дан фойдаланиш ҳақида кетаётди, - деб ҳисоблайди Францияда нашр этиладиган «ВРН» газетаси бош муҳаррири Пьер Леви. - Биз Ўзбекистоннинг АҚШ Давлат департаменти эълон қилган мазкур рўйхатга киритилгани тўғрисидаги хабарни орғини билан қабул қилдик. Америкаликларнинг айблови асоссиздир ҳамда у реалликка мутлақо мос келмайди. Бу суверен давлатнинг ички ишларига очикдан-очик ара-лашишдан бошқа нарса эмас.

(«Жаҳон» АА)

Ернинг алдаган ўзини алдайди

Айрим туман раҳбарларининг масъулиятсизлиги оқибатида ижро интизоми бўшаштириб юборилган, 2007 йил ҳосилига пойдевор яратишда ўзибўларчиликка йўл қўйилган

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007 йил ҳосили учун шўдгорлашни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан ана шу муҳим агротехник тадбирни сифатли ва энг мақбул муддатларда адо этиш юзасидан аграр соҳа ходимлари зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилган эди.

Уларни ба-
дан бир қатор
Таассуф
жариш юзаси-
ишлар амалга
рақалпогонист
Республикаси, Хоразм, Бухоро вилоятларида бу борада муайян натижаларга эришилганлигини таъкидлаган ҳолда қўпгина вилоятлар, туманларда ижро интизоми талаблари тўла бажарилмаганлигини таъкидлаб, муносабат билан айтиш зарур. Мутахассислар томонидан ўтказилган мониторинг ва Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси маълумотларига кўра, Иштихон, Яқ-кабоғ, Шеробод, Музrabод, Бувайда, Мингбулок, Бекобод, Урта Чирчиқ, Боёвут, Ховос, Улғунор, Пастдарғом ва бошқа бир қатор туманларда шўдгорлаш ишлари ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган.

(Давоми 2-бетда)

Изланиш

Генетика ва Усимликларнинг экспериментал биологияси институтига қарашли Саодат Содиқов номидаги Усимликларнинг хусусий ва амалий генетикаси лабораториясида узоқ йиллик изланишлардан сўнг соянинг тезпишар нави яратилди.

У ўтган йили «Генетик»

“Тупроқ олтини”га талабгорлар борми?

номи билан Давлат нав си-наш ҳайъатига топширилган эди. Икки йиллик кузатувлар натижасида ушбу нав истиқболли, деб топилмоқда. Биз соянинг халқ хўжалигидаги аҳамияти, унинг бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан фарқли жиҳатлари хусусида суҳбатлашиш мақсадида таҳририятимизга янги нав муаллифи, биологоя фанлари доктори, профессор Мирад-хам Абзаловни тақлиф этдик. Суҳбат аввалида маълумот: «Соя» сўзи хитойча «да-доу»

дейилиб, «катта мева» маъносини билдиради. Ушбу ўсимлик ҳақидаги дастлабки тушунчалар эраимиздан аввалги 2838 йилда Хитой императори Шэнь Нунни китобида келтирилган. Эраимиздан олдинги V асрда битилган «Тиббий ҳодими табиати» асаридида эзилишича, соя шоли, арпа, бугдой ва тарикдан кейин афсонавий доривор ўсимлик ҳисобланади.

«Тупроқ олтини»га талабгорлар борми?

- Айтинг-чи, гўза селекцияси билан шўгулланиб келатган олимни соянинг янги навини яратишга қандай ундади? Таъбир жоиз бўлса, нега айнан соя устида изланилган?

- Соя етиштиришни йўлга қўйиш орқали аҳоли демографияси туфайли юзага келадиган қатор муаммолар бартараф этилиши мумкин. Қолаверса, ундан халқ хўжалигининг қўпгина тармоқларида кенг фойдаланилади.

(Давоми 2-бетда)

АВТОТРАНСПОРТ — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА!

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ «ГАЗ» ВАЖИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ — AVTODOM PLUS

«ГАЗ» русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тонналик юк машиналари, 3-7 ўринлиқ, 0,8 тонна юк кўтарадиган фургонлар, 6-15 ўринлиқ микроавтобусларни сотади.

Ҳақ тўлаш инсталланган усулда!

Маҳсулотлар сертификатланган

700015, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16А-уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz



Фаластинликлар учун маош

Катар фаластинлик тиббиёт ходимлари ва ўқитувчиларга маош тўлашни ўз зиммасига олди.

Бу ҳақда Фаластин бош вазири Исмаил Хония маълум қилди. Хабарларга кўра, Катар ҳукумати мухторият учун бир неча ой мобайнида босқичма-босқич 22,5 миллион доллар маблаг ажратди. Бу пуллар март ойидан буён ойлик олмаётган тиббиёт ходимлари ва ўқитувчилар учун маош сифатида тўланади. Шу йилнинг март ойида ҳукумат тўласига "ХА-МАС" ташкилоти келган, мухторият учун ажратилган аксарият ташки ёрдамлар кечлаб қўйилди. Оқибатда, давлат хизматчилари оилаб маошсиз қолиб кетмоқда.

Уго Чавес галаба қозонди

Венесуэла раҳбари Уго Чавес президентлик сайловида галаба қозонди.

У ўзининг асосий рақиби Сулио штати губернатори Мануэл Росалесни 61,35 фоиз овоз билан орта қолдирди. Бу билан Чавес яна олти йил президентлик лавозимига қолиш кафолатини кўлга киритди. Венесуэла муҳолифати кучлари бўлиб ўтган президентлик сайловларида қонунибузишлар содир бўлган, дея норозилик билдиришмоқда. Аммо сайловлардан аввал ўтказилган сўровномалар натижалари Уго Чавеснинг қайта сайланишидан дарак берган.

Рамсфелд шубҳаси

АҚШнинг собиқ мудофаа вазири Дональд Рамсфелд Оқ уйнинг Ироқда юрилтаётган стратегияси натижа бермаслигига ишонган.



"Нью-Йорк Таймс" газетаси Рамсфелд истеъфого чиқишидан 2 кун аввал Оқ уйга юборган баёнотини чоп этди. Унда айтилишича, Американинг Ироқда юрилтаётган сийсати кўзланган мақсад сари етакламайди. Пентагон собиқ раҳбарининг "ўта махфий", деб номланган ўшбу баёнотида, шунингдек, Ироқдаги ҳарбийлар сонини қисқартириш, айрим базаларни ёпиш ва мавжуд стратегияларни қайта ишлаб чиқишни Буш маъмуриятига тақлиф этган. Мудофаа вазирилик вакиллари газетда чоп этилган ўшбу ҳужжат ҳақиқий эканлигини тасдиқлаган. Айрим тахминларга кўра, Бушнинг Рамсфелдни қутқилмаганда истеъфого чиқаришига ўшбу ҳужжат сабаб бўлган.

Қадимий кўприк фожиаси

Ҳиндистоннинг Бихар штатидаги темир йўл вокзалида фожа юз берди.

Йўловчи поездининг устига бундан 150 йил аввал қурилган кўприк кулаб тушди. Фожа оқибатида 34 нафар одам ҳалок бўлган, 50 га яқин йўловчи жароҳат олган. Кулаб тушган кўприк аллақачон вазирасини ўтаб бўлган ва у бузиб ташлашни лозим эди. Темир йўл транспорти вазири Прасат Ядавнинг сўзларига кўра, фожа юз бермаслиги мумкин эди. Аммо мутасаддиларнинг лоқайдлиги сабабли бу воқеа содир бўлди, - дейди Прасат Ядва.

Байрутда вазият жиддий

Ливан пойтахти Байрутда норозилик намойиши қатнашчилари ва полиция ўртасида тўқнашувлар вужудга келди.

Тўқнашувлар оқибатида 1 нафар намойиш катнашчиси ҳалок бўлган ва бир неча киши жараланган. Пойтахт марказида кўча лагер қуриб олган норозилик намойишчилари мамлакат бош вазири Фуад Синоор ва ҳукумат аъзолари истеъфосини талаб этишмоқда. Улар талаблари қондирилмагунга қадар лагерни тарк этмасликларини маълум қилишган. Намойишчилар Ливаннинг "Хизбуллоҳ" ва "Амал" ҳаракатлари бошчилиги қилмоқда. Ҳукуматда ўшбу ҳаракат қизқичқиларини ҳимоя қилувчи олти нафар вазир истеъфого чиққани маълум қилинган.

Қишнинг аёзли ишлари

АҚШда қиш мавсумининг илк кунлари табиий офатлар билан кириб келди.

Миссури, Мичиган ва Канзас штатларида кўчи шамол ҳамда қор кўкисси оқибатида фавақулдада ҳолат эълон қилинган. Ушбу штатларда бир кечада ёққан қор қалинлиги 40 сантиметрдан ошиб кетган. Мамлакат бўйлаб 900 дан зиёд авиарейслар бекор қилинган, бир неча автомагистраллар ёпиб қўйилган. Кўпгина ҳудудлар аҳолиси электр энергиясиз қолган. Бир кунда ўндан зиёд одам совуқ ҳаво оқибатида ҳаётдан қўз юмган.

INTERNET хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 5 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботлари юретиш, шунингдек, боҳона ва бошқа мажбурий тўловлари учун ҳорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

Table with 2 columns: Currency and Exchange Rate. Includes Australia, Argentina, Brazil, Canada, Chile, etc.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 5 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботлари юретиш, шунингдек, боҳона ва бошқа мажбурий тўловлари учун ҳорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

Table with 2 columns: Currency and Exchange Rate. Includes Australia, Argentina, Brazil, Canada, Chile, etc.

Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ўшбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МУКА ЎС.СОРТ 317,8 ▲ +7,7 МУКА 1 СОРТ 225,4 ▲ +0,3 МУКА 2 СОРТ 207,7 ▲ +0,07 ПОЛИЭТИЛЕН I-0754 850,0 ▼ -11,7 ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 1320,7 ▼ -36,9 ПОЛИЭТИЛЕН I-1561 1432,8 ▼ -190,1 КАРБАМИД 196,2 ▼ -20,2

Ўзбекистонда давлат сийсатининг асосий йўналишларидан бири тинчлик ва фуқаролар товулигини янада мустақамлаш орқали республикада сийсатини ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг жадал амалга оширилишини таъминлаш, мамлакатнинг халқаро майдондаги образини юксалтиришдан иборатдир.

Ҳамият ва шахс манфаатлари мутаносиблигини таъминлайдиган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўшбу ижобий ҳараёлларни ривожлантириш-

Жамоатчилик фикри ва асосий қонун

нинг асосидир. "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан Конституция кунлари арасида ўтказилган сўров натижалари ҳам шундан далолат беради.

Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилётган тўз ўзгаришларнинг мазмун-маъноси Конституция тамойилларини амалга ошириш билан бевосита боғлиқ. 14 йил аввал қабул қилинган ўшбу ҳужжат дунёнинг кўпалар ривожланаётган мамлакатлари конституцияси учун эталонга айланди. Хорижий экспертларнинг фикрича, бунинг сабаби Ўзбекистон Конституциясида ҳақиқий демократик жамиятнинг мамлакат фуқароларига барча ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлайдиган асосий тамойиллари асос қилиб олинганидандир.

Ижтимоий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон аҳолисининг аксарияти учун (94,3 фоиз) тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролар товулигини мустақиллик туфайли эришилган энг катта бойлигимиз ҳисобланади. Сўровга кўра, республикамиз аҳолиси диний экстремизм ва террорчиликни қаттиқ қоралайди ва давлатимизнинг ўшбу йиллатларга қарши курашга қаратилган сийсатини кўллаб-қувватлайди. Сўров давомида олинган маълумотларни ўтган йиллардаги натижаларга таққослаш ўшбу фикрларнинг қатъийли-

8 декабрь - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кун

лигини янада ошириш, эҳтиёлларини қондириш ва орзу-умидларини рўёбга чиқаришга қаратилган. Сўров катнашчилари аксариятининг (92,8 фоиз) фикрича, мамлакатимизда барча фуқаролар моддий ва ижтимоий аҳоли, дини, миллатидан қатъи назар қонун олдида тенг, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тўлиқ (деярли 100 фоиз) амал қилинмоқда. Ижтимоий тадқиқотлар натижалари

ЖИЗЗАХ ТОМОНЛАРДА

Ҳокимлик туҳфаси

Тинчлик ва оқоийиш-ликни сақлашда миллий таянч пунктлари билан қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳамкорлигида фаолият аҳамияти. Шунингдек, олиган

Кўркамликка не етсин

Зардор туманидаги "Шарқ юлдузи", "Тараққиёт" ва И.Қурбонов номи хўжалиқларида қишлоқ врачлик пунктлари ҳашар йўли билан қайта таъмирдан чиқарилди. Бунинг учун ҳар бир ҚВБга 3-4 миллион сўм атрофида маблаг сарфланди.

Мусобақанинг финал босқичи

Жиззах шаҳридаги "Наврўзбулоқ" пойгоҳида автопойга бўйича Ўзбекистон чемпионати ақуловчи финал босқичи ўтказилди. Қатнашчилар 7 классдаги автомобилларда ғолиб-

"Ишбилармон ўқувчи"

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси марказий кенгаши ташаббуси билан ўтказиб келинаётган "Ишбилармон ўқувчи" кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. Ҳаллаорол тумани иқтисодиёт коллежи талабаси Фарруҳ Омонов "Ишбилармон ўқувчи - 2006" кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллаб, УэлДеп Марказий кенгашнинг 180 минг сўм миқдоридagi пул мукофоти билан тақдирланди.

Истеъдоднинг иқболи бор

Жиззах санъат коллежида Зулфияҳоним қизлари кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда адабиёт, маданият, таълим, фан ва санъат йўналиши бўйича туманларда

Қишлоқда Ёшлар маркази

Фориш туманининг чекка қишлоқларида бири бўлган Бирлашган қишлоғида Ёшлар маркази фойдаланишга топширилди. Янги марказ турли учрашувлар, семинарлар, тренинглар, давра суҳбатлари ўтказиш учун мўлжалланган бўлиб, унинг базасида қишлоқ ёшлари ҳаётини фаолиштириш, уларнинг бўш вақтини самарали ўтказиш ва касб-хунарга йўналтириш мақсади ётади.

Толибжон ЭРГАШЕВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

"Тупроқ олтини"га талабгорлар борми?

(Боши 1-бетда)

Мамлакатимиз аҳолисининг сони йил сайин ўсиб бораётган. Башоратларга қараганда, ўн йилдан сўнг республикамиз аҳолиси 30-32 миллион нафарга етиши мумкин. Табиийки, уларнинг ёгга бўлган эҳтиёжи ҳам ортади. Бунинг қондириш мақсадида озуқабоп экинларнинг энг самарали ва тезишар навларини яратиш, катта майдонларда етиштириш зарураги туғилмоқда. Аммо бу бошқа экин турлари майдони ҳисобига бўлмаслиги шарт. Уйлаб кўрсак, соя айнан шундай ўсимлик. Биз бугундан кейин бўш қоладиган экин майдонидан соянинг тезишар навини етиштириш мумкин, деган мақсадда изланиб, бунга эришиш арасидамиз.

Далилларга қараганда, инсон организми нормал фаолиятда оқсилга бўлган қунийк эҳтиёжи вазининг хар қилграмми учун 0,7 грамм экан. Шу ўринда эйтибборганизи бир рақамга қаратишганизи истардим. Дунё бўйича оқсил мазмунининг 32 фоизи чорва моллари улўшига тўғри келса, қолган 68 фоизи ўсимликлардан, жумладан, 55 фоизи соядан олинади. Шу сабабдан, бу экин дунёнинг 60 дан зиёд давлатида, жами 73 миллион гектар ерда экилади. Хўзирги кунда дунё мексидида оқсил танқислигини бартараф этиш учун соя уруғига катта аҳамият берилмоқда. Чунки унинг дони таркибид

Ҳам оилага фойда, ҳам юртга

Президентимизнинг шу йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи деҳқон хўжалиқлари ва фермер хўжалиқларида чорва молларини қўлайтириш рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори тадбиркорларни кўллаб-қувватлаш босқичида яна бир муҳим қадам бўлди.

Инспекцияимиз туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бўлими ходимлари билан ҳамкорликда жойларда 18 дан 50 ёшгача бўлган ҳамда 55 ёшгача бўлган эркаклардан жами 322 нафар фуқарони ҳисобга олди. Уларга меҳнат дафтарчалари берилиб, энг кам иш миқдориди

Қарор ва ижро

"Пахта Банк"нинг Вобкент тумани бўлими томонидан чорва моллари бош сонини қўлайтириш ва деҳқончиликни ривожлантириш мақсадида 103 нафар фуқарога имтиёзли кредитлар ажратилди. Мазкур кредитлар ҳисобига 227 беш қорамол, шу жумладан, 103 беш солин ситир сотиб олинди. Шахсий ёрдамчи хўжалиқлар инспекцияимиз томонидан рўйхат қилинди.

Шунингдек, инспекцияимиз ходимлари маъзур қарор мақсад-моҳияти юзасидан тарғибот-ташвиёт ишларини изчил олиб боришади. Бу эса шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқлари сонини қўлайтиришга олиб келапти. Биргина сўнги икки-ўч ой ичида қумушқентлик Абдурашул Тўхтаев, Шомира Шодиева, роҳатлик Олима Очилова, шаҳаркентлик Қомил Нисомов сингари фуқаролар шахсий ёрдамчи хўжалик соҳибига мақсидда фойдаланиш ижтимоий меҳнат билан шуғулланишга киришдилар.

Фазлиддин АМОНОВ, Вобкент туман Давлат солиқ инспекцияси бошқисининг биринчи ўринбосари.



Базан мендан "Эришайтган муваффақиятларингизнинг сирини нимада?" деб сўраб қолишди, - дейди Балиқчи туманидаги "Хўжайбар" фермер хўжалиги иш қиртувчиси Лола Абдураҳмонова. - Бунинг не қандай сирини йўқ. Ҳамма гап меҳнатда. Чин дилдан қилинган меҳнат мўъжизалар яратишга қодир. Бугун эл орасида тез-тез тилга олинаётган маъзур фермер хўжалиги 1998 йили ташкил этилган. Тасаруфиди 14 гектар экин ери бор. Жорий йил фермер хўжалигида пахтао ғалладан мўл-кўл ҳосил йилгиди. Даромад ҳам шунга яраша бўляпти. Ҳисоб-китобга кўра, 7,5 миллион сўм соф фойда олиш мўлжалланаяпти. СУРАТДА: Лола Абдураҳмонова.

Ёрни алдаган ўзини алдайди

Айрим туман раҳбарларининг масъулиятсизлиги оқибатида ижро интизоми бўшаштириб юборилган, 2007 йил ҳосилига пойдевор яратишда ўзибўларчиликка йўл қўйилган

(Боши 1-бетда)

Оқибатда, белгиланган майдонларнинг катта қисми шудгорланмаган, назорат сустигли сабабли бу агро-техник тадбирнинг сифатсиз бажарилишига йўл қўйилган. Шу ўринда ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари аниқланган камчилик ва нуқсонлардан мисоллар келтириб ўтайлик. Қарши туманидаги Т.Мирзаев номи таҳриб ҳужалиғида шудгорлаш кечкиртирилганлиги, мuddати ўтказиб юборилган дебитор қарзлар 2,7 миллион сўмини ташкил қилиши, ишчи-хизматчиларга жами 4,2 миллион сўм иш ҳақи тўланмасдан келинаётганлиги аниқланди, туман прокуратураси томонидан ҳўжалик раҳбари О.Саиднабиевага нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Таҳрибали деҳқонларнинг экиндан юқори ҳосил олишда шудгорнинг сифатли бажарилиши алоҳида аҳамиятга эга эканлигини қайта-қайта тақоррлашлари бежиз эмас. Ҳайдовда сифатга эйтибор берилмаса, яъни шудгор белгиланганидек чуқурликда бўлмаса, ўсимлик яхши ривожланмайди, ҳрсилдан барак кетади. Энг ташвишлиси, прокуратура органлари ишчи гуруҳи томонидан 5925 гектар ер сифатсиз хайдалганлиги аниқланди. Бундай майдонлар Сирдарё, Тошкент, Қашқадарь, Жиззах, Сурхондарё, Самарқанд вилоятларида юзлаб гектарини ташкил этиши гоят ачинарлидир. Эл-

юртга етказилган зарарнинг 28,8 миллион сўми ихтиёрий равишда ундириб олинди, қўпол қонубузилиш ҳолатлари юзасидан 13 та жиноят ишлари қўзғатилди. Ижро интизомининг бузилиши ва ишларнинг ўлжайишда қолиб кетишига сохта маълумотлар тузиш, эҳтиёт қисмларни талон-тарож қилиш ва бошқа ғайриқонуний ҳолатлар ҳам сабаб бўлмоқда. Чунончи, Улуғнор тумани машина-трактор парки акциядорлик жамияти мансабдор шахслари "Магнум-8940" русумли, давлат белгиси 45-39 БУ бўлган ҳайдов тракторининг 719,3 минг сўмлик эҳтиёт қисмларини талон-тарож қилиб юборганликлари аниқланди. Андижон тумани машина-трактор паркида эса битта ҳайдов трактори носоз ҳолга келтирилиб, уч миллион сўмдан зиёд моддий зарар етказилган. Юқориди таъкидланган ҳолатлар бўйича тергов ҳаракатлари олиб бориляпти. Эндиги вазифа йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни тезда бартараф этиб, шудгорлаш ишларини қисқа мuddатларда сифатли низоҳасига етказишдан иборат. Бугунги кун талаби ана шу ишларни беками-қўст бажаришни тақозо этмоқда. Зотан, келгуси йил ҳосилининг мўл бўлиши кўп жўзатдан деҳқончиликнинг низоҳаси ҳисобланган шудгорга боғлиқ эканлигини соҳа ходимлари жуда яхши билишади. С.АЛИЕВ

Қилмиш-қилдириш

"Олмоқнинг бермоғи бор"

"Кўпнинг ризки кўр қилур", деган мақол бежизга айтилмаган. Қорақалпоғистон Республикаси "КК почтаси" Оқмангит филиалида почта тарқатувчи лавозимини ишлаб келган Туелбой Сейбуллаев юқоридаги мақол моҳиятини англаб етмаган шеклиди, ўз лавозимидан фойдаланиб, сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиб, ҳужжатларни қалбақлаштириш оқибатида кўпнинг мулжга кўз олайтирган. Хусусан, Т.Сейбуллаев 2006 йил январь-март ойлари учун нафақа тарқатиш ведомостларига пул тарқатилганлиги ҳақида сохта маълумотлар киргизиб, жами 1673207 сўм миқдоридagi нафақа пулларини ўз ҳаёмига ўзлаштириб, талон-тарож қилган.

Ушбу жиноят иши юзасидан олиб борилган дастлабки тергов ҳаракатлари давомида айбланувчи Т.Сейбуллаев томонидан 39 нафар фуқарога етказилган моддий зарар тўлиқ ундирилиб, нафақахўрларга тегишли бўлган пуллар тарқатилди.

Афсуски, орамизда бу каби нафис уполлар талтайгина экан. "КК почтаси" Оқмангит филиали "Оқтерак" алоқа бўлими бошлиғи лавозиминида ишлаб келган Қуралбой Баҳамов ҳам ана шундай кимсалар тоифасидан бўлиб чиқди. Халқ ризқини талон-тарож қилишда "қасбдоши" Т.Сейбуллаевдан асло қолишмайдиган Қ.Баҳамов шу ҳудудда яшовчи 196 нафар нафақахўрга тарқатишчи лавозим бўлган жами 8039442 сўм миқдордаги пулларини 2006 йил январь-март ойлари учун "қассагамас-қиссага" қабилида талон-тарож қилган.

Бундан таққаран, Қ.Баҳамов нафақа тарқатиш ведомостларига пул тарқатилганлиги ҳақида сохта маълумотларни киргизиб, ҳужжатларини қалбақлаштирган.

Ҳар қандай жиноят жазосиз қолмаслиғи аниқ. Қ.Баҳамов қилган қинғир ишининг ҳам қийғи чиқиб, у тегишли жазосини олди.

Е.БАЗАРБАЕВ, Нукус тумани прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси.

Дардингни олай, она табият!

Инсон дунёга келибдики, табият қўйнида яшайди, бунёдкорлик ишлари билан машғул бўлади, ижод қилади, насл қолдиради. Табиатнинг саховати шунчалар кенги, унинг одамзот учун қиладиган марҳаматлари, илтифоти ва инъомларини санаб ниҳоятсига етиш қийин.

Маълумотларга қараганда, 1913 йилда бир киши бир йил мобайнида ўз турмуш эҳтиёжларини қондириш учун ўртача 4,9 тонна табиат нэәматларидан фойдаланган бўлса, 1940 йилда табиат марҳаматларига бўлган эҳтиёж 7,4 тоннага ортган. 1960 йилда келиб 14,3 тоннани ташкил этган. Соҳа мутахассисларининг ҳисоб-китобларига қараганда, яқин келажакда ҳар бир одамнинг табият нэәматларидан фойдаланиши 35-40 тоннага етар экан.

Хозирги вақтда санаот микёсида ишлаб чиқарилаётган дори-дармонларнинг қарийб 40 фоизи наботот оламидан олинади.

Ўрни келганда шунки қайд этиш жоизки, халқимиз табобатда турфа дардларга даволиги билан ажралиб турадиган 577 хил доривор гўёларнинг аксарияти қисми табиии ҳолда ўсади. Уларни маданий равишда етиштириш ёки қўлпайтириш қўпгина қийинчиликлар тугдириши мумкин. Шу боисдан ҳам камёб, эндем (махаллий), фақат маълум бир жойга хос бўлган ёки ўша жойда тарқалган ўсимлик) ва реликт (кўнра замоналардан қолдиқ сифатида сақланиб келинган ўсимлик намуналари) хом ашё сифатида беавё йғиштирилиши тўғрисида ҳозирда улар ниҳоятда камёблашиб, яқин келажакда йўқолиб кетиши эҳтимоли бор. Ўзбекистонда табиии ҳолда ўсадиган ҳамда маданий йўл билан ўстирилган наботот намуналари 4500 тур атрофида бўлса, улар орасиданги "аслода" ўсимликларнинг йўқолиб кетиши фожиа ҳисобланади. Эндем ва реликт ўсимликларнинг сони 400 атрофида бўлиб, улар Ўзбекистон флорасининг қарийб 10-12 фоизини ташкил этади. Ана шундай ўсимликлардан бўлиши серхосият радиола (афсонавий женьшень билан шифобахшлик бобида рақобат эта оладиган), омонкор, оли, парги, салаб, рўян, тоғ кудуси, афсонак, мотор пиёзи, Ангрн қарраги, безачтукли каррак, бештикан каррак, Бутков қарраги каби ўнлаб каррак турлари, улугвор кўзагул, Тўполон астрагали, долон астрагали, йирик нўхат, Мўғултоғ нўхати, Ҳисор сарпосиси, Чимён шашири каби яна бир қанча ўсимлик намуналари қаторида ўлкамиз зийнати бўлиши лолаларимиз катти аҳволда?

Лолаларни асранг, одамлар!

Сержило ўлкамизни лолалар ватани, деганларинча бор. Тоғ этакларини, адирларини мизани айна баҳор палласи-

Сабзавотни сақлаш сирлари

Қундалик истеъмол эҳтиёжларимизни қондиришда сабзавотларнинг ўрни, ахамияти ниҳоятда катта. Шу боис, бу турдаги маҳсулотларни наинки пишиқчилик мавсумида, балки қиш кунларида ҳам сақлаб истеъмол қиламиз. Бирок, қартошка ҳамда сабзавот маҳсулотларини кўнгилдагидек сақлаш учун кишида етарли билим, қунт ва ҳафсала бўлмағи керак. Бизнинг тавсияларимиз деҳқон фермерларга бу борада ёрдам беради, деган умиддамиз.

Картошка

У имкониятидан келиб чиқиб, совуқчи ёки оддий озорларда сақланади. Озорларда харорат 2-4 даража бўлиб, нисбий намлик 80-85 фоиз бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Деҳқон-фермерларда сабзавот сақлаш оморидан бўлса, сизот суварли йўқ ерларда ўрага қўйиб сақлаш мумкин. Унинг эни 60-70 см ва узунлиги 2-3 м бўлгани яқини. Ўрага картошка янги ҳайлаб, устига 10-15 см қалинликда похол ёки қамийш ёпилади ва 30-35 см қалинликда тўпроқ тортилади. Бу ҳолатда картошка апрель ойигача сақланиши мумкин.

Уй-рўзгор шароитида картошка ёрут тўшмайдиган жойда сақланиши керак, чунки ёрутқидан тушадиган асиммилация ҳисобига картошка пўстида қўн рағ ҳосил қилиб, аччиқ таъм пайдо бўлади.

Пиёз

Куз ва қишинг илқ қилиши пиёз сақлашига салбий таъсир этиши мумкин. Оқибатда, пиёзбошлар кўкара бошлайди, ҳар хил касалликларга

чалиниб, сасийди. Агар ҳўл чириш касалига чалинганлари 3 фоиздан ошиб, кўкара бошласа, саралаб, чикитлардан холи қилиб, биринчи галда истеъмолга чиқариш лозим бўлади.

Маҳсулот захирасига ажратилган жой қурук, ҳаво алмишиб турадиган бўлиши керак. Хонадаги харорат бир даража илиқ, нисбий намлик 70-80 % атрофида бўлгани маъқул. Пиёз ялаб қолса (-3-5°да), тагин ўз холига келиши мумкин. Аммо бу ҳол кайта-кайта такорланса, пиёз сифатининг бузилишига олиб келади. Пиёзларни тўр халта ва яшиқларда сақлаш тавсия этилади.

Сабзи

Сақланадиган сабзи баргидан тозаланади, сараланиб (кесилган, захаланган ва зарарланганлари) ажратилади. Сақлаш учун ўрага қўйилади. Сабзи ўраси 50-60 см, чуқурлиги 80-90 см, бўйи 2,5-3 м қазилади. Ўра тўпроғи нам бўлиши ва ўт ёки барг тушмаслиғи лозим. Ўрага сабзи тўлдириб вақтида эланган қум солинса, сабзи сўлимай, узок сақланади. Ўра

тўлдирилгандан кейин похол ёки қамийш билан (5-10 см) ёпилади ва 30-35 см қалинликда тўпроқ тортилади.

Сабзини январь-февраль ойларигача сизими 3 кг ли полиэтилен қопларда, салқин ертўларда, зич олма яшиқларда (ичига полиэтилен тушамас қилиб) устини қум ёки нам тўпроқ билан ёпиб қўйиб, қундалик рўзгорга ишлатиш мумкин.

Турп

Турп қиска мuddатга сақланадиган бўлса, ҳар қандай шароитда сақланиши мумкин. Узок мuddатга сақланадиган турп ўрага қўйилади. Ўранинг эни 70 см, чуқурлиги 90-100 см бўлиши мумкин. Турп ўрагининг бир чеккесидан тўлдириб қўйилади.

Тўлишига 10 см қолганда 30 см қалинликда тўпроқ толланади ва икки томони нишаб қилиниб, кўйиб текисланади. Ўра март ойларига очилади.

Шолғом

Шолғомни сақлаш ҳам турп сақлашга ўхшаш эса-да, нисбатан ноқизроқ бўлади. Шунинг учун ўрани 60-70 см, чуқурлиги 80-90 см, бўйи 1,5-2 метр қилиб турп сингарни қўйилади. Кўкламада ўра очилиб, шолғом сараланади. Ҳўраки давлага (қизилча) ни сақлаш тартиби ҳам худди шолғом сингарни бўлади.

Карам

Эртаги карамни совуқчида -1° С ва +1°Сдаги хароратда оғзи ёпик

Сурхондарё вилояти Денов туманидаги "Менгиёз-Рустам" боғдорчилик фермер хўжалиғи фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида йўлга тушдик. Туман марказидан анча узоқлашдик, лекин манзил ҳали йироқ эди.

Биз тушган машина юриши тобора қийинлашди. Бир пайтлар тўлиб-тошиб оққан дарё ўрнидаги тош йўлдан ўтдик. Сўнг машинамиз қинғир-қийишқ кўчадан чамаси 150 метр баландликка кўтарилди. Аҳволни кўриб, "Шу қароқ ерларда гёёх кўкартирса бўлармикан?" деган ўй-хаёлга бордик.

Тобора юқори чиқар эканмиз, йўл кенгайи-

кувларига 3 километр нарида жойлашган мана шу қароқ саҳрога олиб келинди. Натичада, 35 гектар лалми ернинг 9 гектари боғга айлантилди. Шу билан бирга, фермер ихтиёрида 21 гектар яёлов ерлар ҳам бор.

Не-не машаққатлар билан сув келтирилиб, рохатини кўрамиз, деган бир пайтда иш орқага кетди. Мева кўчатлари орасига экилган поллиз экинларини энди гулга кирган бир пайтда чигиртка балоси босиб кетди. Қилинган меҳнат чиппака чикди. Экин поялари илма-тёш бўлиб, қурий бошлади. Ерлар дориланди, яна экилди. Яна чигиртка босди. Ни-

Чўлда яралган боғ



ди. Ниҳоят, биз манзилга етиб келдик. Теварак-атроф боғзор. Буни кўриб, ажабландик. Чунки бу хўжалик ўтган йили ёз ойида ташкил этилган эди-да. Фермер Бахтиёр Менгноров бунга оидинлик қилди. Унинг айтишича, 3-4 йиллик кўчатлар илдиришдаги тўпроғи билан полиэтилен қопларга ўраб олиб келинган ва экилган. Шунингдек, дала атрофига 1000 туп арча ўтказилибди. 1000 туп олма, 120 туп ёнғоқ, шафтоли, анжир, анор, хуллас, 20 турдаги мева кўчатлари яшнар туриши кўзни қувонтиради.

Интилиш

Узумзорларни айтмайсизми?! Шу йилнинг ўзида ҳосил берибди. Дарвоқе, А.Каримов номили ширкат хўжалиғига қарашли бу ташландиқ ерлар бугун инсон меҳнати, саяхатари тоиис чаманзорга айланди. Ўзбекистон шароитида сув бўлса, тоғ-тошларда ҳам деҳқончилик қилиш мумкин. Бирок, бу ерларга сув олиб келиш осон кечмади. Обибарақ қишлоғининг бир бурчидан бўлоқ суви чиқиб, атрофидаги қумликларга сингиб ётарди. Бахтиёр ака аввал бўлоқ атрофини тозалади, ариқ қазиб, тагига бетон ётқизди. Тўпланган суви чуқур қилиб қазилган ҳовузда жамлади. Сўнгра ана шу сув ер ости

ҳўят, излаган имкон топар, деганларидек чора топилди: экинлар учинчи марта экилди. Хайрият, ҳосилдорлик қутулгандан ҳам яқши бўлди. Фермернинг беш ўғли отасига кўмақдош бўлишди. Раҳмон, Рустам, Ра-

сул, Раҳматулла, Абдулла кўлларида келганча деҳқончилик қилишди. Тиниб-тинчимас фермернинг орзулари жуда катта. Жумладан, у келажакда яна 10 мингдан ортиқ мевали кўчатлар экиб, янги боғ, балкичилик хўжалиғи, чорвачилик комплекси ташкил этишни режалаштирмақда. Шунингдек, мева-сабзавотларни қайта ишлайдиган миницеҳлар олиб келиш учун жой тайёрлаб, ерлар текислаб қўйилган. Ўтган йили Бахтиёр Менгноров ўз ҳисобидан "Ўзариш" маҳалласи билан Бекмуродов маҳалласини ажратиб туровчи катта сойга темир-бетондан кўприк қурдириди.

Биз фермер фаолиятига омадлар тилаб, Сурхондарёдан қайтар эканмиз, воҳадаги ўзаришлар замирида Бахтиёр Менгноров сингари фермерларнинг ҳиссаси катта бўлаётганлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Ўқтамхон ХОЛДОРОВА, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.



Ўз ишининг устаси Толмас ака гапга ҳам уста-да. Қачон қарасанг бир хангома бошлаб юборади. Мана, шулардан бир чимдим.

Қалтис ҳазил

Ўста дарвозаси олдида кўтарилган шовқиндан уйғониб кетди. - Вой жигаре-ём, вой ёшгина кетган жигарим, - кимдир уввос тортиб йнглар эди. Ўста шошилиб дарвозасини очди. Йнғайётган киши йнғлашдан таққа тўхтади. У устани кўчоқлаб, кечирим сўрар, нарироқда ҳазилкаш Шомурод зипиллаб кетар эди...

Дорини ким ичди?

Даволанишдан қайтган устани улфатлари кўрган боришди. Унинг ранги-рўйи анча тиниқлашган, рўҳи тетик. У меҳмонларни ичкарига бошлади: - Келинлар, келинлар. Салом-алиқдан сўнг хол-аҳвол сўрашди. - Ҳа, дам олиш бебаҳо иш-да, қаранг-қаранг, устанин ранги тиниқлигини, ўзгарибди-қўйибди, - деди бири. - Дам олиш сизга ёқибди, ўн кунда анча семирисиз ҳам. Сўҳбатга Боки шум аралашди: - Аҳволни бу кишим билан борган мендан сўранг-да... Аҳи-тўрт киши учун берилган кулча дорими, суёқ дорими ҳаммасини шу кишимга бердик. Бу киши семирмай, мен семиримми?..

Қитмирининг қилиғи

Дам олиш уйда уста ҳамшираларга тайинлади: - Қизларим, шеригим Давронбойга гап қўшманглар, яна... - Нега?

Шу, сал анақарок, томи кетган, - деди уста бармоғини бошига ниқаб. Орадан кунлар ўтди, шериги Даврон хайрон, тавба, ҳеч қим унга одам деб гапирмасая-я. Бир кун дарвоза олдида бир даста гул сотиб олган Даврон улари ҳамшираларга совға қилди. Гулни олаётган қизлар хайратдан ёқа ушладилар. - Ё, тавба, - деди дадилроғи, - сиз сопла-соғ одам экансиз-ку. - Нима гап? - Даврон ажабланди. - Сизни уста ака, халиғи, томи кетган деганиди-ку.

Даврон устани излади. У нариги ўриндикда нафаси ичига тушиб кулар эди...

Ўғрининг этиги

Уйига ўғри тушган уста ҳамкасбларига ҳовлиқиб гапирар эди: - Эҳ, номард, ўғирликка-ку кирибсан, номинсоф, этинингичи ёчиб қирмайсанми? Жўра ТўХТАЕВ, Қашқадарё вилояти.

Сув ҳам ёнади... ми?

Тахтакўприк Сарсенбой оға Абдимуратов гапга чечан, одамни гапига ишонтира оладиган инсон эди. Бир жўраси уни ишонмасига излаб борса, Сарсенбой оға ишга келмаган экан. Уйига кўнгирок қилган экан, хотини жавоб берибди: "Тунда ишдан қарчоб келиб, дам оляпти, уй-голма, деган эди".

Эртасига ўртоғи яна унинг ишонмасига кўнгирок қилган экан, Сарсенбой оға гўёқани кўтариб, ёлғончи ростга дўндира бошлабди: "Ҳа, жўра, кеча мени хўп излабсан? Мен ёнгин учуришга кетган эдим. Шундан тонга яқин уйга келдим. Бугун ўша ёнгининг сабабини аниқлаш бўйича йнғилиш бўлади. Менда ишинг бўлса, эртага кела қол..."

Ўртоғи ёнгин қаерда, не сабабдан бўлганини сўраган экан, Сарсенбой оғамиз: "Эшитмадингми, қишлоқ четидидаги водаккадан ўт чиқиб, ўша атрофдаги бор сув ёниб кетди. Қўллашиб зўрага ўчирдик..." дедди.

- Сув ёнди, дейсанми? Ҳазиллашясанми, сув ҳам ёнади-ми? - Ҳайрон бўлиб сўрабди ўртоғи. - Нима, "Қаловини топсанг, қор ёғди", деган гапни эшитмагансан? Қор ёнганда сув ёнайди-ми? - деб Сарсенбой оғамиз жўрасини роса шоширибди. - Йўғ-э, сенга ишонманам-ку, ишонманам... - дермиш ўртоғи қаловлиниб. А.БОЛТАМУРАТОВ

"Танқидчи" ичмасин экан...

Жума институтни тугатиб ишга келди. Янги ҳодим йнғилишларида ҳеч қимни аямаяди. Танқид қиладди. Аиниқса, бошлқ Шаҳназарнинг камчилигини айтгани ёмон бўлди. Бу аёлларга ёқмади. Улар пайт пойлашди. Бир кун Жума ишга келмади.

- Нега кеча ишга келмадингиз? - деди бўлим мудури Марзия опа. - Синфдошимнинг тўйида кеча кўп ичиб қўйибман, ўрнимдан тўролдим. Ишқилиб, "қатта" сўрамадими? - деди Жума.

-Во-ой, кеча тўс-тўполан бўлиб кетди-ю. Бошқарма бошлиямиз "Жумани ернинг остига кириб кетган бўлса ҳам топинлар", деди. Бугун сизни сўрамадими?

- Йўқ. - Узоклашмай туринг, қақиради. Марзия опа секин қабулхонага борди. Бошқарма бошлияқ тўманга кетганди. Котиба иккови дарвор тил бириктиришди. Умида бошлияқнинг хонасига кириб, котибани қақирадиган кўнжироқчи босди. Марзия опа Жумага югурди:

- Сизни "қатта" сўрапти. Аризаси билан келсин, деди. Қайфияти жуда ёмон. Столни мушлади, - шундай деб Марзия опа тез қабулхонага кетди. Жума унинг изидан хонага қалтираб, товоғинача музлаб қирди. Қабулхонада кўнжироқ яна тинимсиз зардали жингланди.

-Хозир... Шу ерда туриб туринг. Мен кириб чиқай-чи. - Марзия опа ичкарига кирди. Умида билан иккови овоз чикармай қулишарди. Сўнғ... жуда хомуш, йнглаудай бўлиб хонадан чиқди: "Меннинг айбим нима? Ишга келмаган сиз бўлгансиз. Олдидаги иккови пилвани ҳам менга қаратиб отди. "Кеча Жумани топиндингиз, икковингиз ҳам ишдан кетасиз. Ариза ёзин", деди. Марзия опа хўрсинган бўлди.

Жума тамом бўлган эди. Стулга ўтириб, бошини чангаллади. Бўзига нимадир тикилди ва "Шарманда бўлдим" деб хонада айланаверди. Кейин пёшонасига мушлади: "Ниммага кўп ичдим. Ҳаммаси расво бўлди".

-Киринг... - деди Марзия опа. Жума кўз ёшларини артиб, оёқлари йўқдай шавлираб бошлияқнинг хонасига кирди. У ерда котиба Умида ўтирарди. Хонада бошлқ йўқ. Марзия опа кирди. Улар иккови хондон отиб қўлишди. ... Бошқармадаги аёллар хали-хали Жумага ҳазил қилишарди: "Ниммага кўп ичдим, расво бўлдингиз". Шу-шу Жума ароқ ичишни мутлақо ташлади. О.МУРОДОВ

Сурхондарё ятқилари

Термиз шаҳридаги 9-умийий ўрта таълим мактабда вилоятдаги ўқитувчиларни тоифаларга ажратиб бўйича синов аттестациясининг навбатдаги босқичи бўлди.

Унда вилоят педагогларининг 25 фоизи, яъни тоифаларга даъвогарлик қилаётган ўқитувчилар иштирок этишди. Синов тест асосида ўтказилди. Ҳар бир ўқитувчи ўз фани бўйича саволларга жавоб берди.

Хўнар ўрган, билим ол

Вилоятда "Истикбол-авлод" ёшлар ахборот-маърифий маркази, уч йилдирки, фаолият юритмоқда.

Икки йилдирки, маърифат маркази "Сингил сингилга" лойиҳаси бўйича ишлаётди. Асосий мақсад - ёшларга хўнар ўргатиш, иш билан таъминлаш, уларни номақбул йўллardan асраш. Марказ вилоят бўйича ўқув курслари, тил ўргатиш ва спорт тўгараклари ташкил этган. Яқинда "Наврўз" гўзаллик саломида бир ой таълим олган хотин-қизларга сертификатлар топширилди.

"Бойсун оҳанглари"

Сурхондарё халқ оғзаки ижодиғи ниҳоятда бой. "Алломиш" достонининг ўзи бебаҳо ҳазина.

Бу дурдоналар доимий тўпланмоқда, ўрганилмоқда, улар устида шоир, олимлар фаол ишламмоқда. Яқинда қишлоқ хўжалиғида тахрирбали раҳбар ва вилоятда таъинланган бойсунлик шоир Хидир Чоршанбиевининг "Бойсун оҳанглари" китобини "Янги аср авлоди" нашриёти чоп этди.

Янги коллеж биноси

Тез кунда Қизирқ тумани "Гиламбоб" хўжалиғи худудида янги педагогика коллежи иш бошлайди.

Уни "Бунёдкор" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари бунёд этишмоқда. Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

